

**БУХОРО ВИЛОЯТИДА ГИЁҲВАНДЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ  
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ  
ЖИҲАТЛАРИ.**

**Тиллаходжаев Баходир Абдуллахонович**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил тадқиқотчиси,*

*tillaxodjaevbahodir@gmail.com*

*ORCID 0009-0000-4132-3509*

**Аннотация:** Мақолада Бухоро вилоятида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Шунингдек, гиёҳвандликка қарши курашда янги стратегик йўналишлар ва профилактика чоралари ҳақида маълумотлар тақдим этилади. Вилоятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандликка чалинган шахсларни аниқлаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** гиёҳвандлик, психотроп моддалар, Бухоро вилояти, жиноятларнинг олдини олиш, профилактика, соғлом турмуш тарзи, даволаш, назорат қилиш, рақамли технологиялар.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НЕКОТОРЫХ АСПЕКТОВ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ  
ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НАРКОТИКАМИ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ**

**Аннотация:** В статье анализируются меры, предпринимаемые в Бухарской области по борьбе с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ. Также представлена информация о новых стратегических направлениях и профилактических мерах по борьбе с наркоманией. Особое внимание уделено пропаганде здорового образа жизни, выявлению и лечению наркозависимых.

**Ключевые слова:** наркомания, психотропные вещества, Бухарская область, предотвращение преступлений, профилактика, здоровый образ жизни, лечение, контроль, цифровые технологии.

**IMPROVING CERTAIN ASPECTS OF PREVENTING DRUG-RELATED CRIMES IN  
BUKHARA REGION**

**Annotation:** This article analyzes the measures being implemented in the Bukhara region to combat the illegal circulation of narcotic drugs and psychotropic substances. It also provides information on new strategic directions and preventive measures in the fight against drug addiction. Special attention is paid to promoting a healthy lifestyle, identifying and treating drug addicts.

**Keywords:** *drug addiction, psychotropic substances, Bukhara region, crime prevention, prevention, healthy lifestyle, treatment, control, digital technologies.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири аҳоли саломатлигини мустақкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ва гиёҳвандликка қарши курашишдан иборатдир. Ҳар қандай давлатда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустақкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан “иммунитет”ни шакллантириш орқали генофондимизга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, гиёҳвандликка чалинган беморларни жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, тиббий-даволаниш тизимини ташкил этиш давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш лозим. Зеро, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, жиноятни аниқлаш, унинг негизини топиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уни жиловлаш мутасаддиларнинг энг асосий вазифасидир<sup>9</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2024 йилдаги ПФ-73-сонли “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва унинг биринчи иловасида “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия”сининг қабул қилинганлиги гиёҳвандликка қарши курашишнинг барча жиҳатларини – профилактика, даволаш, реабилитация, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва халқаро ҳамкорликни қамраб олиб, гиёҳвандлик муаммосига ечим топишда тизимли ва самарали ёндашувни таъминлади<sup>10</sup>.

Ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабабларини бартараф этиш, хавфсизлик ва фаровонликнинг ижтимоий детерминантларини ҳал қилиш орқали, жамият раванқ топиши ва ўзларининг тўлиқ салоҳиятини рўёбга чиқаришлари мумкин бўлган адолатли ва инклюзив жамиятни яратиши мумкин<sup>11</sup>.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишнинг олдини олиш юзасидан ўтказилаётган кенг қамровли профилактик тадбирларга қарамасдан, замонавий технологияларнинг

<sup>9</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т: Ўзбекистон НМИУ. 2016, – Б.13.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2024 йилдаги ПФ-73-сонли “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/ru/docs/6912475>

<sup>11</sup> Ў.М. Атажанов. Бухоро вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқаробай ишлаш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари. 2024. World of Science, June, Volume-7, Issue-6. 141-6.// <https://bestpublication.org/index.php/wos/article/view/12383/12264>

ривожланиши натижасида интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ёшлар орасида тезкорлик билан тарқалиши кузатилмоқда. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи умумжаҳон савдосининг тахминан 8% ни ташкил қилмоқда. Кейинги йилларда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланадиган жиноий гуруҳлар фаолияти муайян давлат ҳудудидан чиқиб трансмиллий наркосиндикатлар юзага келди. Трансмиллий наркосиндикатлар ўз эҳтиёжлари йўлида илмий техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиши уларнинг техник-молиявий имконияларини оширмоқда<sup>12</sup>. Уларнинг ўз жиноий фаолиятларида энг замонавий қурол ва воситалардан, ижтимоий тармоқлардан, сунъий интеллект ва учувчисиз учадиган замонавий дронлардан фойдаланишлари муаммонинг кўламини янада ортишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра ҳар йили гиёҳванд жиноятчилардан умумжаҳон миқёсида 100 мингга яқин ўқ отар қуроллар олиб қўйилмоқда. Шунингдек 500 дан ортиқ яширин учуш ва қўнишга мўлжалланган майдонлар аниқланмоқда, бундан ташқари наркосиндикатлар томонидан фойдаланилаётган тахминан шунча учуш аппаратлари парвоз пайтида уриб туширилади ёки мусодара қилинади. Шунга қарамай ҳар куни ғайриқонуний юк ортилган 300 га яқин парвозлар амалга оширилмоқда<sup>13</sup>.

Гиёҳвандлик муаммоси ХХІ асрнинг энг катта ижтимоий-сиёсий ваболаридан бири бўлиб, у нафақат шахснинг, балки бутун жамиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфлилиги яна шунда намоён бўладики, гиёҳвандлик воситаларига қарамлик натижасида рўй берган инсон хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар туфайли, у криминоген омил бўлиб хизмат қилади. Гиёҳвандлик ва жиноятчилик ўзаро алоқасининг ижтимоий-салбий хусусияти: гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш билан боғлиқ жиноий ҳаракатларнинг содир этилишида; гиёҳвандлар гиёҳвандлик воситаларини ёки уларни харид қилиш учун маблағларни эгаллаш мақсадида жиноятлар содир этилишида; гиёҳвандлик воситаларининг бевосита таъсирида (гиёҳвандлик воситалари билан мастлик ёки абстиненция ҳолатида) жиноятлар содир этилишида; гиёҳвандлар кўпинча жиноятлардан жабрланишида намоён бўлади<sup>14</sup>. Шу сабабли бу иллатга қарши самарали курашиш учун бутун дунё бўйлаб турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу хавфли иллатга қарши республикамиздаги давлат органларини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган эзгу ғоя асосида

<sup>12</sup> Противодействие незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ. Учебное пособие. – М.: “Щит–М”. 2001. – С.52.

<sup>13</sup> Калачев Б.Ф. Использование достижений НТР в деятельности наркосиндикатов. Материалы научно-практической конференции “Федеральный закон «О наркотических средствах и психотропных веществах» и актуальные проблемы противодействия незаконному обороту наркотиков”.–М.,1998. – С.18.

<sup>14</sup> Умарова Б. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2010. – №1. – Б.108–110.

курашиш борасидаги фаолиятларини янада кучайтириш, соҳага замонавий усуллар ва инновацион ёндашувларни жорий этишга ундамоқда.

Ўзбекистонда, хусусан, Бухоро вилоятида ҳам гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллаларнинг “қизил”, “сарик”, “яшил” тоифаларга ажратилиши аҳоли муаммоларини “маҳаллабай”, “оилабай” ва “фуқаробай” ишлаш орқали ҳал этиш ҳамда энг оғир ва низоли вазиятларни ҳуқуқбузарликка айланмасидан маҳаллаларнинг ўзидаёқ аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда<sup>15</sup>. Жумладан: Бухоро вилояти миқёсида ўтказилган кенг кўламли “Қорадори-2024” тадбири 1-босқичи давомида 2024 йилнинг 13 май куни олинган тезкор маълумот асосида Бухоро тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори томонидан тумanning Шергирон маҳалласида яшовчи 1951 йилда туғилган Ш.Р.нинг яшаш хонадони ҳамда ёрдамчи хўжаликлари ва уларга туташ томорқа ерлари холислар иштирокида кўздан кечириш давомида, ушбу ҳовлининг томорқа ер майдонида хонадон эгаси томонидан 7 туп “Каннабис” ва 973 туп “Кўкнор” гиёҳвандлик воситаси ўсимликлари экиб, парваришлаб келинаётгани аниқланган<sup>16</sup>.

Гиёҳвандлик воситаларининг шахснинг соғлиғига алкоғолдан бир неча баробар жиддий ва зарарли таъсир этишидан келиб чиқадиган бўлсак, бу иллатнинг қанчалик машъум эканлиги маълум бўлади. Агарда мунтазам ичкиликбозликка берилиш 7-15 йил оралиғида доимий ичкилик ичиш билан юзага келса, гиёҳвандликка бир ярим-икки ой мобайнида бутунлай боғланиб қолиш мумкин. Энг ачинарлиси, шахс маънавияти тиклаб бўлмас даражада бузилади. Бу каби ҳолат алкоғолизмга мубтало бўлган шахсда қарийб йигирма марта камлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Гиёҳвандлик жамият ҳаётига тўғридан-тўғри хавф солади ва криминоген вазиятларнинг юзага келишини кучайтиради<sup>17</sup>. Бугунги кунда криминолог олимлар гиёҳвандлик воситаларини табиий ва сунъий каби турларга ажратиб, бу билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш муаммоларини ўрганадилар. Табиий гиёҳвандлик воситаларига қуйидагилар мансублигини айтиб ўтиш мумкин: кўкноридан ишлаб чиқарилган хосилалар – ухлатувчи кўк-нори, кўк-норининг сомони, экстрациялий опий, опий, морфен, кодеин, героин; ҳинд наша ўтининг хосилалари коннабис, марихуана, гашиш(наша,план), гашиш ёғи; кокаин тупларини ҳосилалари, эпедрин, невретин; Сунъий (синтетик ёки ярим синтетик) гиёҳвандлик моддалар:

<sup>15</sup> Атажанов Ў.М. Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳисобот бериш фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлили. (2022). <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/1801/1638> Б. 118.

<sup>16</sup> Бухорода ўз хонадонида ғаразли мақсадда 1000 туп таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни экиб парваришлаб келаётган шахс қўлга олинди, <https://bviiib.uz/uz/news/buhoroda-z-honadonida->

<sup>17</sup> Қ.Р.Абдурашулова ва бошқалар. Криминология. Дарслик. Тошкент-2006. 297-бет.

фенциклидин, псилоцибин, триметилфентанил ва бошқалар. Ўзининг таъсири бўйича бу аналгетиклар галюценоген депрессантлар бўлиб ҳисобланади<sup>18</sup>.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат қилмишлар учун жиноий жавобгарлиги амалдаги Жиноят кодексининг махсус қисми VI бўлимида қуйидагича берилган: тақиқланган экинларни етиштириш (ЖКнинг 270-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш (ЖКнинг 271-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш (ЖКнинг 273-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (ЖКнинг 274-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖКнинг 275-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЖКнинг 276-м.)<sup>19</sup>. Статистик маълумотларга кўра, Бухоро вилоятида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 2022 йилда 181 та, 2023 йилда 204 тани ташкил қилиб, 2023 йилда 12,7 фоизга ошган, бунинг яъни гиёҳвандлик жиноятчилиги ўсиш фоизи даражасининг республикамиздаги ўртача кўрсаткичдан (20,6%) паст бўлсада, Сирдарё (9,7%) ва Самарқанд (3,1%) вилоятларига нисбатан юқорилигини кўрсатмоқда. Шунингдек Бухоро вилояти ИИБ профилактика инспекторлари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56-моддасида кўрсатилган “Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш” маъмурий ҳуқуқбузарлигини аниқлаш билан боғлиқ ҳолатлар 2023 йилда 18 тани, 2024 йил 6 ойи давомида 10 тани ташкил қилган<sup>20</sup>.

Шуни афсус билан қайд этиш керакки, Бухоро вилоятида сўнги вақтларда “анъанавий” ҳисобланган қорадори гиёҳвандлик воситаси билан бир қаторда, сунъий гиёҳвандлик воситалари ҳам кенг тарқалиб бормоқда. Масалан: 2023 йил 25 сентябрь куни соат 21:00 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорликда ўтказган тадбир давомида, фуқаро А.Т. Ғиждувон туманида фуқаро Р.М.га таркибида “Диазепам” психотроп моддаси бўлган 20 дона “Сибазон” номли дори таблеткаларини нақд 1.000.000 сўм эвазига сотган вақтида ушланиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган<sup>21</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сунъий гиёҳвандлик воситалари инсон организмига “анъанавий гиёҳвандлик воситалари”га қараганда ҳам хавфлироқ

<sup>18</sup> Н.Т. Абдуллаев. Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш жиноятларини тергов қилишда тинтув ва бошқа тергов ҳаракатларининг аҳамияти. Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali, jild:01 nashr:03 2022 yil, 19-бет

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси.

<sup>20</sup> Бухоро вилоят ИИБ статистик маълумотлари.

<sup>21</sup> Бухоро вилоят ИИБ статистик маълумотлари.

таъсир кўрсатади, яъни жисмоний ва руҳий саломатликка жиддий зарар етказиши, иммунитетни заифлаштириши, юрак-қон томир, асаб ва овқат ҳазм қилиш тизимлари фаолиятини издан чиқаради. Бундан ташқари, сунъий гиёҳвандлик воситалари онг ва онгости тизимини бузади, галлюцинацияларга сабаб бўлади, шахнинг ўзини йўқотишига, унга тезкорлик билан қарам бўлишига олиб келади ва бундай қарамликдан халос бўлиш жуда қийин кечади<sup>22</sup>.

Баъзан гиёҳвандлик воситаларини татиб кўришга таклиф қилинадиган шахнинг хулқ-атвори наркотикларнинг инсон руҳиятига таъсир қилиши ва гиёҳвандликнинг ўзига хос хавфли руҳий касаллик эканлиги ҳақидаги билимлар шахсда гиёҳвандликка қарши фаол муносабатнинг шаклланишига хизмат қилади. Гиёҳвандлик моддаси баъзан жамият (биринчи навбатда – ёш авлод)нинг наркотикларга тобе бўлишидан манфаатдор бўлган шахсларга наркобизнес билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар томонидан ушбу воситалар ҳақида турли “афсона”лар тарқатиш йўли билан қасддан ёйилади.

**Бугунги кунда Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига қарши курашиш, профилактик таъсир-чораларини амалга ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чора-тадбирлар: вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; уларга нисбатан тайинладиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда<sup>23</sup>.** Вояга етмаганлар томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши ўта аянчли ҳолат бўлиб, бундай жиноятларнинг олдини олиш, ёшларни бундай хатарли иллатдан ҳимоя қилиш барчамизнинг вазифамиздир. Бироқ гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ҳали ҳануз вояга етмаганлар томонидан содир этиш ҳолатлари учраб тургани ғоятда ачинарли. Жумладан: 2023 йил 04 май куни соат 19:20ларда Бухоро тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2023” тадбири давомида вояга етмаган 2006 йилда туғилган Очилов Аслбек Ҳазратқул ўғли ўз яшаш уйида 5 туп “каннабис” ўсимлигини экиб етиштириб келаётганлиги аниқланган<sup>24</sup>. Бундай жиноятларнинг олдини олиш учун энг муҳим омил ёшлар орасида гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Бунда нафақат ички ишлар

<sup>22</sup> Памятка о вреде синтетических наркотиков - Все подробности: <https://www.kamgov.ru/protocol/news/pamatka-o-vrede-sinteticeskih-narkotikov-47259>

<sup>23</sup> Ф.Ганиев, С.Қозоқбоев. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш ва олдини олиш давр талаби. Евразийский журнал технологий и инноваций, 2023•in-academy.uz <https://www.in-academy.uz/index.php/ejti/article/view/25187>

<sup>24</sup> Бухоро вилоят ИИБ статистик маълумотлари.

органлари, балки ота-оналар, ўқитувчилар ва мураббийлар, маҳалла фаолларининг роли жуда муҳим. Улар вояга етмаганлар билан доимий мулоқотда бўлиши, уларнинг муаммоларини тинглаши, ишончли маслаҳатгўй бўлиши зарур. Бунинг учун мактабларда, маҳаллаларда ва бошқа жамоат жойларида профилактик тадбирлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари каби тадбирларни мунтазам ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек қўйидаги мазмунда тарқатма буклет материалларни тайёрлаш ва профилактика инспекторлари томонидан аҳолига ташвиқот тарғибот ўтказиб тарқатиш ҳам самарали натижалар беради, яъни буклетларда, “Ҳеч қачон гиёҳвандликка қарши курашда ёлғиз эмассиз!”, “Агар сиз ёки яқинларингиз гиёҳвандлик муаммосига дуч келган бўлса, тезкорлик билан тегишли мутахассисларга (шифокорлар, психологлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари) мурожаат қилинг”, “Гиёҳвандлик – бу касаллик, ундан даволаниш мумкин!” каби чақириқлар бўлишига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро вилоятида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда қўйидаги чораларни қўллаш тавсия қилинади:

➤ Профилактика инспекторлари томонидан мактабларда, коллежларда, лицейларда ва бошқа таълим муассасаларида гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари тўғрисида маърузалар ўтказиш, видеороликлар намойиш этиш, тарғибот материалларини тарқатиш орқали ёшлар онгида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

➤ Маҳалладаги оилаларга кирилганда ота-оналарга фарзандларининг хулқ-атвори, қизиқишлари ва мулоқот доирасини доимий назорат қилиб боришлари, улар билан самимий муносабатлар ўрнатишлари юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш;

➤ Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, уларни ноқонуний сотиш билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш, фош этиш ва қонуний жавобгарликка тортиш бўйича чораларни кучайтириш;

➤ Гиёҳвандликка ружу қўйган шахсларга малакали тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун наркодиспансер шифокорлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

➤ Маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш каби.

Зотан, гиёҳвандликдан холи жамият қуриш – бу нафақат давлат идоралари ёки профилактика инспекторларининг, балки ҳар бир фуқаронинг орзуси ва мақсади бўлиши керак. Профилактика инспекторлари томонидан гиёҳвандликнинг зарари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини тўхтатмасдан доимий равишда олиб бориш орқали маҳаллада инсонлар соғлом ва бахтли ҳаёт кечиришларини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, иқтисодий ўсишни тезлатиш ва маҳаллада тинчлик ва барқарорликни, энг муҳими, келажак

авлодларнинг бахти ва саодатини таъминлашда самарали натижаларга эришиш мумкин.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т: Ўзбекистон НМИУ. 2016, – Б.13.
2. Ў.М. Атажанов. Бухоро вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқаробай ишлаш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари. 2024. World of Science, June, Volume-7, Issue-6. 141-б.// <https://bestpublication.org/index.php/wos/article/view/12383/12264>
3. Противодействие незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ. Учебное пособие. – М.: “Щит-М”. 2001. – С.52.
4. Калачев Б.Ф. Использование достижений НТР в деятельности наркосиндикатов. Материалы научно-практической конференции “Федеральный закон «О наркотических средствах и психотропных веществах» и актуальные проблемы противодействия незаконному обороту наркотиков”. – М.,1998. – С.18.
5. Умарова Б. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлиги // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2010. – №1. – Б.108–110.
6. Атажанов Ў.М. Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳисобот бериш фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлили. (2022). <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/1801/1638> Б. 118.
7. Бухорода ўз хонадонида ғаразли мақсадда 1000 туп таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни экиб парваришлаб келаётган шахс қўлга олинди, <https://bviib.uz/uz/news/buhoroda-z-honadonida->
8. Қ.Р.Абдурасулова ва бошқалар. Криминология. Дарслик. Тошкент-2006. 297-бет.
9. Н.Т. Абдуллаев. Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш жиноятларини тергов қилишда тинтув ва бошқа тергов ҳаракатларининг аҳамияти. Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali, jild:01 nashr:03 2022 yil, 19-бет
10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси.
11. Памятка о вреде синтетических наркотиков - Все подробности: <https://www.kamgov.ru/protocol/news/pamatka-o-vrede-sinteticeskih-narkotikov-47259>
11. Бухоро вилоят ИИБ статистик маълумотлари.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2024 йилдаги ПФ-73-сонли “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп

моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони,  
<https://lex.uz/ru/docs/6912475>

13. Ф.Ганиев, С.Қозоқбоев. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш ва олдини олиш давр талаби. Евразийский журнал технологий и инноваций, 2023•in-academy.uz <https://www.in-academy.uz/index.php/ejti/article/view/25187>